*«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан*

# КАМОЛ ОТА ИШОНАДИ

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Биргина шахс қиёфасида бутун бир катта хўжалик коллективининг фаолиятини, иш мароми ва кайфиятини кўриш мумкинми? Ҳа, агар у ижтимоий актив, қалбан бой ва ҳаётий позицияси аниқ-тиниқ, ҳалол меҳнаткаш инсон бўлса — мумкин экан.

Камол ота йигирма беш йилдан бери бошқараётган бригадасининг ишлари ҳақида гапираркан, бу ишларнинг яхши-ёмон томонлари бутун хўжаликдаги, ҳатто областдаги, республикадаги аҳвол билан боғлиқ эканлиги сезилиб турарди. Дарҳақиқат, бу ўзаро боғлиқлик қайта қуриш жараёнида яна ҳам бўртиб кўринмоқда. «Ҳар ким ўзидан бошлаши керак» деган гапнинг ҳам маъноси шунда бўлса керак. Аммо сен ўзингдан бошласангу, қўшнинг бошламаса, бундан ҳам ҳеч нарса чиқмаслиги аниқ. Ялпи жараён ҳаммага тааллуқли.

Камол отанинг гапига қулоқ соламиз. Бригада, гарчи, бирон бир йил давлатдан қарздор бўлиб қолмаган бўлса-да, бригадир у йилларнинг ҳаммасидан ҳам рози эмас.

— Сен бажарсангу, атрофингда, қўшни совхозларда ярим йўлда қолиб кетган бригадалар бўлса татимас экан, — дейди Камол ота. Суҳбат мавзуи бригада доирасидан чиқиб кетавергандан кейин, биз отадан сўраймиз:

— Хўш, энди хўжаликда одамларнинг кайфияти қанақа?

Камол ота тақа мўйловини силаб туриб, сал ўйланади-да:

— Эндиликда деҳқонларнинг машқи... — деб яна анчагача индамай қолади. Эгнидаги олача тўн ҳозир бирдан тор келиб қолгандай, белбоғини сал бўшатади. — Кўп йиллардан бери биронтамиз мундоқ бир танбеҳ ҳам олмаган эканмиз, ўйлаб қарасам; бирон ишга эътироз, норозилик билдириб, арз-парз ҳам ёзмаган эканмиз, — дейди у. Кутилмаган бу жавобнинг мантиқини тополмай турганимизда, ота ўзи ойдинлаштиради ўз хаёлларининг маромини: — Ўта хотиржам, боқибеғам бўлиб қолган эканмиз. Энди мана зап ҳушёр тортиб, ўзимизга ҳам, ўзгага ҳам кўнгдаланг талаблар қўядиган бўлдик, фикр уйғонди, одамлар ишчан, баҳслар қайнаб, муаммо устига муаммо кўтарилапти.

Муаммо... Бундай қараганда уруш ва меҳнат ветерани, катта ва фаровон рўзғор бошлиғи, планини бажариб қўйган 74 яшар бригадир энди бироз хотиржам бўлса ҳам арзирди. Тўртта забардаст ўғли механизатор, уч қизи ўзидан тиниб кетган — ўз рўзғори, машиналари бор, тўнғичи — Хушвақт Шаропов тоғ-тоғ пахта териб, СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди, келинлари далада, фермада, саксон олти невараси мамлакатнинг ўқув юртларига таралиб кетган.

«Қайси бири ким бўлиб қайтади — билмайман, ишқилиб бағримга қайтадида». Уйда электр, газ, шийпонлар обод, дошқозонда шўрва қайнаб ётибди, соя-салқин яслиларда беланчаклар тебранади.

Совхозни-ку қўяверасиз, энг бой, энг обод хўжаликлардан! Бу йил яна 16 минг тонна ипак пахтасига 25 миллион сўм даромад оладиган бўлиб турибди. Бу — 13 миллион соф фойда деган сўз. Хўжаликнинг рентабеллиги 110 процентга етади. Совхоз маркази бош план бўйича қурилаётган замонавий шинам шаҳарча. Касалхона, туғуруқхона, ўндан ортиқ боғчалар, бахт уйи, тўйхоналар... Ёзги-қишки стадионларда иккинчи лига командалари беллашганда ёшларга байрам бўлиб кетади. Спортчи ҳаваскорлар кўп, зилол бассейн ҳам мавжланиб ётибди. Қурилиш ишларига ҳар йили уч миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Маданият саройи тушяпти, йилига эллик оилага янги уй-жой қуриб берилмоқда, якка тартибда ҳовли-жой қиладиганлар ҳам кўпайиб кетди — даромад бор-да. Шунинг учун совхоздаги ғишт заводи ишчиларининг қўли қўлга тегмаяпти.

— Фақат... «Сурхон» деган ҳашаматли ресторан кечаги ўтмишимизнинг асоратидай ўртада сўппайиб қолди. Ёшларнинг ундан шашти қайтиб, худди безатилган етим бўталоқдай бўлиб турибди, — дейди кулиб Камол ота, — Ҳай, бу катта муаммо эмас, бежирим бино, бир коримизга яратармиз. Лекин бир томони борки, бу муаммо боғларга ҳам бориб туташар экан. Совхознинг боғ хўжалигини минг гектарга етказиш нияти бор, аммо узумзорлар... Жарқўрғоннинг узумини тотгансиз, дунёда йўқ. Лекин эндиликда уни қаёққа қўйиш керак — ҳеч ким ўйламаяпти. Транспорт чатоқ, шаҳарлар узоқ, увол бўляпти «қуёш томчиси». Ажабки, фаровонлик ҳам муаммога айланиши мумкин экан. Бўлмаса, яқиндагина Шерободнинг жазирама бу чўлларида барак ва ертўлалардан бўлак ҳеч вақо йўқ эди...

Узоқ яшаб, кўпни кўрган, ҳаётнинг шиддатли синовларини бошидан кечирган Камол ота ҳар нарсани ўтмишга қиёслайверишни хушламайди, бундай қиёслар ҳамма вақт ҳозирги турмушимиз фойдасига оғиб, хотиржамликка ундашини яхши билади-да. Шунинг учун у ҳикоясида гоҳ кенгликларга чиқиб кетадию, лекин яна дарров ўз бригадасига қайтиб келади.

Бригада бу йил икки машина теримида планни 90 процентга олиб борди. Ўн кунда 53 процент пахта берди, демак, терим мавсуми атиги 20—25 кун бўлиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчилар ҳам керак эмас, об-ҳаво хавфидан ҳам тўла кафолат бор. Афсуски, ҳамма бригадалар ҳам шунга эришмаяпти. Камол отанинг дилхиралиги шундан. Шароит, ер, майдон қарийб бир хил, одамлар ва машиналар сонида ҳам фарқ йўқ. Вазифани шундай қатъий ва конкрет қилиб қўйиш мумкин эмасми: машинанинг икки рав киришида планни бажариш, 20—25 кун! Тамом!

— Ҳамма шундай қилса, муаммо қолмасди-я!

— Оҳ-ҳо, муаммо тугар эмишми,.. — дея кулди ота оппоқ мўйловини яна силаб. — Мана, биз ипак пахта экканмиз. Бизнинг энг катта муаммоларимиз ҳали шундайлигича турибди.

— Энг катта?

— Ипак пахта ниҳоятда қимматбаҳо хом ашё. Далаларимизни кўриб турибсиз — ҳали пахтанинг қанчаси тупроққа, баргу хас-хашакка қоришиб, увол бўлиб ётибди. Буни 45 даражали жазирамада ёз бўйи жон чекиб етилтирган деҳқоннинг гоҳида кўзидан ёш чиқиб кетади.

— Нима гап ўзи?

— Бу қимматбаҳо нав пахтани терадиган махсус машина ҳам, унинг баргини тўкадиган дефолиант ҳам шу вақтгача ихтиро этилмаган. Биз унинг баргини магний билан чала куйдириб, бунга мослашмаган, оқ пахта теримига мўлжалланган машиналарни ишга солишга мажбурмиз. Бу машина ипак пахтанинг кеч кузгача бетиним очиладиган кўсакларигача ғажиб, қовжираган барг талқонини ҳам толага қориштириб, ярмини ер билан яксон қилиб кетяпти. Давлатга жуда катта иқтисодий фойда берадиган хўжаликда ишлаб туриб мен бир умр шу дард билан қийналаман. Юлдузларга қўли етган олимларимиз, космик техникада ҳам ипак пахтамиздан фойдаланадиган фан арбоблари бизнинг дардимизни билмасмиканлар? Уч сув билан очилиб, олтмиш кўсак тугадиган, барги ўзидан ўзи тўкилиб, қирқ центнердан ҳосил берадиган янги нав ҳам чиққан деб эшитамиз, берса экиб кўрардик.

«Оламшумул», мавҳум гаплардан гапирадиган чол экан, деб ўйламанг, бу гапларнинг шахсан ўзимга, болаларимга ҳам дахли бор, ука.

— Ҳай?

— Гоҳо машинада, айниқса, машина ортидан терган пахтамиз ҳалиги сабаблар билан ортиқча ифлосланганлиги учун, қабул пунктида унинг қарийб 27 процентини чегириб қолинади. Деярли учдан бири-я... Шу машинада оқ пахта терган механизаторлар пулини тўла олади, ахир. Бизникиларнинг эса, меҳнатининг катта бир қисми зое кетади. Тўртта ўғлим машинада.. Хушвақтнинг Ҳаким Вафоев, Искандар Муқимов сингари шогирдлари, не-не чечан қизлар терган тилло баҳосидаги ипак пахтанинг салкам учдан бири ҳавога учиб турса, бунга мен ачинмай ким ачинади!

Мен ачинмасам, сен ачинмасанг... Ҳа, ўз манфаати қаерда тугаб, умум манфаати қаерда бошланади, ўз оиласи қаердан қаергачаю, коллективи қаердан қаергача — Камол бобо ўйларида бу чегаралар аллақачон йўқолиб кетган бўлса керак. Бригададагиларни ҳам у ўғилларим, қизларим деб гапиради.

— Мана, Ойтош, Гулчеҳра, Муҳаббат сингари қизларим юз килограммдан ошириб теришади. Хотин-қизлар бригадамизда кўпчилик, 48 кишидан қирққа яқини аёллар. Буларга гоҳо ачинаман. Кўп ишлашади. кўп топишадию... Бирини, денг, районга борса, мактабда бирга ўқиган тенгдоши кўриб танимабди, қаранг. Қиз-жувон — нозик ниҳол, унга парвариш керак, тарбият керак. Мана, мисол, пахтамизни вақтида суғоролмай қолсак, уйқумиз қочади. Сувни ёнимиздаги Сурхон ҳавзасидан оламиз. Илло шуни ўзимиз ичолмаймиз-да: уйларда водопровод йўқ. Сармоя етишмаганиданми? Асло! Одамларга меҳру ғамхўрлик етишмаганидан...

Аёллардан гап очган эдик. Мен упа-эликни айтмайман, ювинадиган оддий иссиқ-совуқ сувдан муаммо ясаб ўтирибмиз, ахир... Шифохонада ўз қизларим тенги ҳамшираларни кўрганман, оқ халат кийиб гул-гул яшнаб юришибди. Даладаги қизларимни эсладим, оёғида оғир этик, эгнида... борингки, топганини кияди-да. Бўлмаса, терим шуларсиз битмайди. Бу фасл ҳар йили бор, биз эса, умримизда биринчи марта бўлаётгандек, ҳеч қандай тараддудсиз келаверамиз. Дўконларда на далабоп оёқ кийими, на бир елвигай енгил, на кирчимол коржома. Ахир, шу қирқта қизимга бир хилда ихчам, чидамли коржома қилиб қўйсам, теримда бари бир гулдастадай, келишган, озода, йигитялангнинг кўзини ўйнатиб ишлашмасмидию, қишда ювиб дазмоллаб қўйиб, янаги куз тағин кийишмасмиди! Муаммоларнинг катталари — майли, улар йиллар давомида ҳал бўлади, лекин мана шундай кичиклари ҳам бор-да!

Отахоннинг «кичик» деганики, Шерободдаги «Сурхон»дай бадавлат совхозлар учун бу ҳал қилиб бўлмайдиган нарса эмас. Лекин аслида бу ҳам катта, жиддий муаммо. Пахтакор хотин-қизлар орасида дала меҳнатига, шу касб-корга, унинг шарт-шароити, гигиенасига боғлиқ, хўжаликлардаги турмуш маданиятининг пастлиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг кўплиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу қадимий, лекин инсон қўли билан яқиндагина ҳаётга янгитдан қайтарилган ерлар пахта етиштириш учун энг қулай ўлкадир. Аммо қимматбаҳо ипак пахта етиштириш муаммолари кўп йиллардан бери тўпланиб, қалашиб қолган. Буни биз Жарқўрғон, Ленин йўли, Гагарин, умуман, чўл зонасининг ҳамма районларида, Будённий номидаги, Ленин номидаги, «Комсомолобод», «Советобод», Қосим Раҳимов номли, Нуриддин Муродов номли, Абдулла Набиев номидаги хўжаликлар ҳаётида кўрдик. Бу долзарб муаммоларни Ватан уруши ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат Алибоев бошчилик қилаётган бой ва илғор «Сурхон» совхози фаолиятида айниқса чуқур ҳис қиласиз.

Сурхон жанубида кузнинг дастлабки илиқ томчилари энди савалаб ўтди. Водийнинг нотинч, серташвиш одамлари қайта қуриш жараёнида кўп ва мураккаб муаммоларнинг ҳал бўлишига ишонадилар. Улар саросимасиз, руҳий сокинлик муҳитида жуда муҳим ва оғир ишларни сабот билан бажаришмоқда.

Қайта қуриш... Бу сўзлар меҳнатга, кечагидан кўра бошқача ўйлашга чорламоқда, ҳар ишда ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан масъулият талаб қилмоқда. Бунинг аён нишоналари ҳозир ҳамма жойда, қайта қуришни амалга ошираётган одамларнинг иши ва сўзида аниқ кўринаётир. Улар ўзларини юртнинг ҳақиқий хўжайинларидек ҳис этиб, янгиланишнинг барча оғир ва мураккаб вазифаларига ўзларини даҳлдор сезиб, сўзда ҳақиқат ва ошкоралик, ишда эса, журъат ва жасорат кўрсатмоқдалар.

*• СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА •*

# ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

## Илғор тажриба адреси: Бувайда районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси

**Кейинги йилларда районда чорвачиликни юксалтиришга катта эътибор берилаётир. Интенсив технология жараёнлари кенг қўлланилмоқда. Бу эса шубҳасиз, тармоқ самарадорлигини таъминлаб, маҳсулот таннархини арзонлаштирмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқларда район хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси чорвадорларининг ҳиссаси айниқса, катта. Жамоатчи мухбиримиз Қ. Маматқулова корхона директори Музаффар ИМОМОВдан гўшт етиштиришни ўстириш борасида олиб борилаётган ишлар ва маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш резервлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.**

— Маълумки, партиямиз кейинги йилларда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари каби чорвачиликни ҳам ихтисослаштириш ва концентрациялашга катта эътибор бермоқда. Ихтисослаштирилган йирик хўжаликларда эса илм-фан ютуқлари ва янги техника воситаларидан самарали фойдаланишга, шубҳасиз кенг уфқлар очилади. Оз меҳнат сарф қилиб, кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади.

Бизнинг бўрдоқичилик корхонамиз коллективи ҳам гўшт етиштиришни интенсив асосга кўчириш ҳисобига юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун бутун куч-ғайратлари, билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи барча бўғинларни комплекс такомиллаштириб бориш кундалик иш фаолиятимизга айланган.

Мақтаниш эмас, Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти олимлари томонидан тармоқни юксалтириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг самарали натижаларини амалий ишимизга кенг татбиқ этяпмиз. **Бир неча йиллик изланишлардан сўнг хўжалигимизда гўшт етиштиришнинг узлуксиз технологияси жорий қилинди.**

Бу технологияга кўра моллар хўжаликлардан қабул қилиб олиниши биланоқ ёши, маҳсулдорлиги, вазнига қараб сараланади. Улар алоҳида-алоҳида майдончаларда яйратиб боқилади. Бир ой ўтгач, берилаётган озуқанинг самараси қандай бўлаётганлигини билиш мақсадида тарозида қайта тортиб кўрилади. **Ана шу кўрсаткичлар бўйича моллар яна уч табақага бўлинади. Энг яхши семирган моллар биринчи группага, ўртача семирганлари иккинчи группага, кўнгилдагидек семирмаганлари эса учинчи группага ажратилади.** Кейинчалик уларга рацион белгилашда группалардаги молларнинг маҳсулдорлиги қатъий ҳисобга олинади. Хулоса шуки, кўнгилдагидек ўсмайдиган ва семирмайдиган молларга юқори сифатли озуқа беришдан фойда йўқ. Бу — катта меҳнатлар эвазига тўпланган озуқанинг беҳуда исроф қилиниши билан баробар.

Корхонамизда қўл меҳнати камайтирилиб, уларни асосан механизация зиммасига юклаш туфайли ҳозир молбоқарлар бошқа хўжаликларга қараганда 3-4 марта ортиқ —150-200 тадан зиёд жониворларни сифатли парваришлашга эришмоқдалар. Пировардида, уларни интенсив семиртиришга муваффақ бўлишяпти. Масалан, Аҳмаджон Йигитов, Умарали Рустамов, Юсуфжон Тешаев, Абдурашид Холмирзаев, Тилабой Полвонов сингари илғор молбоқарлар ўз қарамоқларидаги бўрдоқиларни бир кеча-кундузда 444 граммдан 1100 граммгача семиртиришга эришмоқдалар.

Корхонамиз чорвадорлари озуқадан иложи борича оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Тайёрланган емхашак фақат озуқа цехларида ва озуқа пишириш ошхонасида қайта ишлаб берилмоқда. Шу йил баҳорда янги озуқа майдалаш цехи ишга туширилиб, ҳозир у муваффақиятли ишлаб турибди. **Молларга рацион белгилашда мутахассислар фикрига қатъий амал қилиб, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаяпмиз. Рационни зоотехник рухсатсиз ҳеч ким буза олмайди.**

Юқорида илм-фан янгиликлари ва илғор тажрибаларни кенг қўлланишга ҳаракат қиляпмиз, дедим. Масалан, чорвадор олимлар билан баслаҳат улар яратган ўстириш стимуляторларини ўзлари иштирокида корхонамизда синаб кўрдик. Аввалига эксперимент тариқасида молларнинг рационига «Майский» препаратини аралаштириб бердик. Натижа яхши бўлди. Бўрдоқиларнинг бир кеча-кундузда ўртача семириши 20—22 процент ошди.

Кузатишларимиз янги препарат касал молларнинг ҳам тезда қувватга киришига ёрдам беришини кўрсатди. Жумладан, молбоқар А. Йигитов қарамоғидаги новвосларнинг ҳар биттаси ўртача бир кеча-кундузда 100 грамм ўрнига 710 граммдан семирди. Бу илғор чорвадорга йиллик планида белгиланган 46 тонна гўшт топшириғини 48 тонна қилиб барвақт бажариш имконини берди. Корхонада алоҳида боқувга олинган ҳар бир қорамолнинг этига бир кеча-кундузда 700 грамм ўрнига 1100 граммдан эт қўшилишини таъминлади.

**Корхонамизда боқилаётган молларни тўйимли, ширали ва яшил озуқалар билан мўл-кўл таъминлаш ҳам диққат марказимизда турибди. Аввало, суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланаётганлигимизни таъкидлаб ўтиш лозим.** Оралиқ экинлар экиш, бир ердан йилда икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш (қалин ва аралаш экиш ҳисобига ҳам) тажрибасини орттириб, уларнинг серҳосил, тўйимли бўлишига эришяпмиз. Бунда экинларнинг энг тезпишар навларини танлашга алоҳида эътибор беряпмиз, албатта.

Яна бир гап. Ҳозир ҳамма чорвачилик хўжаликларида озуқа оқсили проблемаси кескин бўлиб турибди. Биз бу муммони ҳам ўз ички имкониятларимиз ҳисобига ҳал қилдик. Серҳосил ва сероқсил оралиқ ўсимликлар — соя, рож экишни кенг йўлга қўйдик. Моллар рационига соя ва рож қўшилганда улар тез семиради. Озуқа исрофгарчилиги бўлмайди.

Қишловга ҳам мустаҳкам озуқа базаси яратиш йўлида ҳозиргача 430 тонна беда пичани, 10 минг тонна силос бостириб қўйдик. Яшил масса учун 62 гектар ерга рож, 16 гектар ерга кузги арпа уруғи ташладик. Моллар яйратиб боқиладиган майдончалар ва молхоналар сифатли ремонт қилиниб, мавжуд яйловлар тартибга келтирилди.

Чорвадорлар учун қулай иш шароитлари ҳам яратиб берилди. Улар иссиқ кийимбошлар билан таъминланди. Корхонада маданий-маиший хизмат турлари уюштирилиб, иссиқ овқат ва чой ташкил этилди. Намунали жиҳозланган «Чорвадорлар уйи» муттасил улар хизматида. Деворий газета, социалистик мусобақа экрани ой сайин чиқиб турибди. Мусобақа илғорлари мунтазам рағбатлантирилиб борилмоқда.

**Ҳозир корхонамизда 800 бош мол бўрдоқига боқилмоқда. Ютуқларимиз чакки эмас. Съездлар йили планимиз — 720 тонна гўшт етиштириш эди. Уни тўққиз ойдаёқ бажардик. Бугунгача 732 тонна гўшт етиштириб, бунинг 718 тоннасини (топшириқда 700 тонна) давлатга сотдик.** Ҳар бир бош қорамолнинг тирик вазни планда белгиланган 449 килограмм ўрнига 469 килограмм тош босди. Молларни семиртириш плани ҳам ортиғи билан адо этилди. Мўлжалдаги 435 тонна ўрнига 453 тоннага етди.

Улар партия кўрсатмаларига амалий ишлари билан жавоб бериб, юксалиш омили — интенсив технология йўлидан ҳамиша дадил боришларига шубҳа йўқ.



## Маҳсулдорликни ошириб

**Сирдарё областидаги Киров номли каналдан фойдаланиш бошқармаси ёрдамчи хўжалиги меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олаётирлар. Партия даъватига жавобан чорва маҳсулдорлигини ошириш йўлида бутун куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, сут-товар фермаси ишчи-хизматчиларининг муваффақияти қувонарлидир. Йил бошидан буён бу ерда 200 тоннага яқин юқори сифатли сут тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 92 тонна кўпдир. Бошқарма ҳар бир ходими ҳисобига йил бошидан буён 224 килограмм сут, 96,2 килограммдан гўшт тайёрланди.**

**1985-86 йилги чорва қишловини муваффақиятли ўтказган ёрдамчи хўжалик коллективининг меҳнати юксак баҳоланди. Уларга Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби сифатида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб, бу ерда 600 тонна сут, 120 тонна гўшт, 350 минг дона тухум тайёрланади.**

**Ёрдамчи хўжаликда ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Улар айни кунларда чорва қишловига пухта тараддуд кўришяпти. Суратда: сут-товар фермасининг илғор сут соғувчилари (чапдан ўнгга) Л. Костомарова, Е. Сомова ва М. Сафина.**

**В. ВТЮРИН фотоси (ЎзТАГ).**

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада музикали-саҳна санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Тошкент давлат музикали комедия (оперетта) театрининг яккахон қўшиқчилари Зинаида Ивановна **Соловей** ва Иосиф Абрамович **Шаламаев** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

## дунё воқеалари

## ДАДИЛ ТАШАББУС

**Рейкьявикдаги учрашув якунлари, М. С. Горбачевнинг Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида ана шу якунларга берилган баҳо ҳамон давлат ва жамоат арбоблари билдираётган фикр-мулоҳазаларда, чет эл оммавий ахборот воситаларининг шарҳларида асосий мавзу бўлиб қолмоқда.**

**КХДР:** Рейкьявикда ўтказилган Совет—Америка учрашувида СССР ядро қуролларини қисқартиришга қаратилган дадил ташаббус ва амалий таклифлар билан чиқди ҳамда уларни амалга ошириш учун астойдил куч-ғайрат сарфлади, деб ёзади **«Нодон Синмун»** газетаси. Шу тариқа Совет Иттифоқи Ер юзида тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш учун масъулиятни ҳис этаётганлигини, ўзининг ленинча тинчликсевар сиёсати ўзгармаслигини равшан намойиш қилди.

**АҚШ:** АҚШ тинчлик кенгашининг ижрочи директори **М. Майерсон** шундай деди: «Рейкьявикда ўтказилган олий даражадаги Совет—Америка учрашуви якунлари Рейган маъмурияти ядровий қуролсизланишни машъум «самовий урушлар» программаси қурбонига айлантирганлигини аниқ-равшан кўрсатди. Айни вақтда стратегик мудофаа ташаббуси эндиликда қурол-яроғлар устидан контрол ўрнатиш соҳасида Совет—Америка аҳдлашувларига эришиш йўлидаги асосий тўсиқ эканлиги равшан бўлиб қолди. СМТни рўёбга чиқариш бутун дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга путур етказган бўлур эди».

**ИТАЛИЯ:** Италия Министрлар Советининг Раиси **Б. Кракси** Рейкьявикда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Р. Рейган ўртасида бўлиб ўтган учрашув катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Рейкьявик, деди у «Стампа» газетасининг мухбири билан суҳбатда, муҳим босқич бўлиб қолди. Ижобий аҳдлашувларга эришиш учун гарчи вақт ва сабот-матонат талаб қилинса-да, музокаралар учун кенг йўл очиқ.

**(ТАСС).**

## СОВЕТ ПОЛКИНИНГ ҚАЙТИШИ

ҚУНДУЗ. **Афғонистон. 27 октябрь. (ТАСС).** Бугун ана шу шаҳар аҳолиси СССР билан АДР ҳукуматларининг биргаликда қабул қилган қарорига мувофиқ Ватанига қайтиб кетаётган олти Совет полкидан охиргисини тантанали вазиятда кузатиб қолди.

АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР алоқа министри М. А. Ватанжар, АХДП Марказий Комитетининг секретари М. С. Карвал, бошқа расмий кишилар бу ерда уюштирилган митингга келдилар.

КПСС Марказий Комитетининг АДРдан қайтиб келаётган интернационалист жангчиларга йўллаган табрикномаси ўқиб эшиттирилади.

М. А. Ватанжар афғон халқига жуда катта ёрдам берганликлари учун совет жангчиларига самимий миннатдорчилик изҳор этди. Чекланган совет қўшинлари бир қисмини Ватанига қайтариш тўғрисидаги қарор, деб таъкидлади у, СССР ва АДР ҳукуматларининг Афғонистон теварагидаги вазиятни нормаллаштиришни астойдил истаётганликларидан далолат беради. Бу — жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Интернационалист жангчиларнинг жасорати асрлар давомида Совет—Афғон дўстлигининг рамзи бўлиб қолади.

АХДП Марказий Комитети, АДР Революцион Кенгаши ва Министрлар Советининг Фахрий байроғи, «Жанговар қардошлик» скульптура композицияси зенит полкининг командири подполковник В. Соколовга топширилади.

Зенитчи жангчиларнинг катта бир группасига СССР ва АДР орден ҳамда медаллари топширилди.

## СОВЕТ—СУРИЯ БИТИМИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ

**ДАМАШҚ, 27 октябрь.** (ТАСС). Шу кунларда мамлакат жамоатчилиги Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганининг 29 йиллигини нишонламоқда.

Икки мамлакатнинг самарали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йилларида Совет ва Сурия мутахассисларининг куч-ғайратлари билан 45 та объект қурилди. Евфрат гидроэнергетика комплекси биргаликдаги қурилишлар рўйхатида биринчи ўринда туради. Сурия президенти Ҳ. Асад уни «Совет — Сурия ҳамкорлигининг пешқадам объекти» деб атаганди. Кейинги ўн йил ичида мамлакатда ҳосил қилинган бутун электр энергиянинг ярмидан кўпи мана шу комплексдан олинди.

Совет Иттифоқи нефть конларини қазиш ва ўзлаштиришда, темирйўл тармоқлари, ирригация иншоотларини барпо этишда Сурияга ёрдам берди. Совет геологлари разведка қилган фосфорит конлари мамлакат экономикаси учун муҳим аҳамиятга эга. Битим имзолангандан кейин ўтган йиллар ичида 35 минг сириялик СССРнинг олий ва ўрта ўқув юртларини битириб чиқди.

